PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA

ФИНЛЯНДИЯ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БОЛАЛАРГА ДЎСТОНА МУНОСАБАТ: ТАМОЙИЛЛАР, АМАЛИЁТ ВА ЎЗБЕКИСТОН УЧУН САБОҚЛАР

Комилова Зироатхон Муроджон қизи,
Олмазор тумани 243-мактаб директори,
п.ф.ф.д. (PhD), доцент

Ушбу мақолада Финляндия таълим тизимида болаларга дўстона муносабат тамойиллари, унинг тарихий шаклланиши ва амалий кўринишлари илмий таҳлил қилинади. 2025 йил FIESDU лойиҳаси доирасида Финляндия мактабларига уюштирилган ташриф тажрибаси, ЮНИСЕФ “Болага дўстона мактаб” стандарти, БМТ Болалар ҳуқуқлари Конвенцияси ва халқаро педагогика тадқиқотлари мақоланинг назарий ва эмпирик асосини ташкил этади. Финляндия мактабларида болаларга дўстона муносабатнинг еттита асосий тамойили кузатилган тажрибалар асосида батафсил ёритилади. Финляндия, Хитой, Германия, Япония ва Ўзбекистон мактабларидаги болага дўстона муносабатнинг таққослама таҳлили ўтказилади. Тадқиқот натижалари Ўзбекистон умумтаълим мактаблари учун амалий тавсиялар билан якунланади.

Калит сўзлар: *болаларга дўстона муносабат, Финляндия таълим тизими, болалар ҳуқуқлари, психологик хавфсизлик, инклюзив таълим, ўқувчи фаровонлиги, мактаб маданияти, синф раҳбари, ЮНИСЕФ стандарти.*

ДРУЖЕСТВЕННОЕ ОТНОШЕНИЕ К ДЕТЯМ В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ ФИНЛЯНДИИ: ПРИНЦИПЫ, ПРАКТИКА И УРОКИ ДЛЯ УЗБЕКИСТАНА

В данной статье проводится научный анализ принципов дружественного отношения к детям в системе образования Финляндии, его исторического становления и практических проявлений. Опыт посещения финских школ в рамках проекта FIESDU в 2025 году, стандарт ЮНИСЕФ «Школа, дружественная к детям», Конвенция ООН о правах ребёнка и международные педагогические исследования составляют теоретическую и эмпирическую основу статьи. Семь основных принципов дружественного отношения к детям в финских школах раскрываются на основе наблюдений в ходе визита. Проводится сравнительный анализ дружественного отношения к детям в школах Финляндии, Китая, Германии, Японии и Узбекистана. Исследование завершается практическими рекомендациями для общеобразовательных школ Узбекистана.

Ключевые слова: *дружественное отношение к детям, система образования Финляндии, права детей, психологическая безопасность, инклюзивное образование, благополучие учащихся, школьная культура, классный руководитель, стандарт ЮНИСЕФ.*

CHILD-FRIENDLY APPROACH IN FINLAND'S EDUCATION SYSTEM: PRINCIPLES, PRACTICE AND LESSONS FOR UZBEKISTAN

This article scientifically analyses the principles of a child-friendly approach in Finland's education system, its historical formation and practical manifestations. The experience of a 2025 visit to Finnish schools within the FIESDU project, the UNICEF Child-Friendly Schools standard, the UN Convention on the Rights of the Child and international pedagogical research form the theoretical and empirical basis. Seven key principles of the child-friendly approach in Finnish schools are described in detail. A comparative analysis of child-friendly approaches in schools of Finland, China, Germany, Japan and Uzbekistan is conducted. The study concludes with practical recommendations for general education schools in Uzbekistan.

Keywords: *child-friendly approach, Finnish education system, children's rights, psychological safety, inclusive education, student well-being, school culture, class teacher, UNICEF standard.*

Кириш. “Бола мактабга ўқиш учун эмас, мактаб боланинг ривожланиши учун мавжуд”. Ушбу фалсафа Финляндия таълим тизимини дунёнинг қолган мактаб тизимларидан ажратиб турадиган бош тамойилдир. PISA [1] халқаро баҳолашнинг 2022 йилги натижаларига кўра, Финляндия ўқувчилари

нафақат академик натижалар, балки мактабга ижобий муносабат, ўрганишга мотивация ва психологик фаровонлик кўрсаткичлари бўйича ҳам юқори ўринни эгаллайди.

Болаларга дўстона муносабат (child-friendly approach) тушунчаси ЮНИСЕФ [2] томонидан 1990-йилларда ишлаб чиқилган “Болага дўстона мактаб” (Child-Friendly Schools – CFS) концепцияси асосида халқаро педагогика фанига кириб келди. Ушбу концепциянинг илдизлари 1989 йилда қабул қилинган БМТ “Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция”сига [3] бориб тақалади. 2025 йил сентябрида FIESDU лойиҳаси [4] доирасида Финляндия умумтаълим мактабларига уюштирилган ташриф чоғида болаларга дўстона муносабатнинг амалий кўринишлари бевосита кузатилди.

Ўзбекистон Республикасида “Боланинг ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Қонун [21] ва “Таълим тўғрисида”ги Қонун [22] ҳар бир болага сифатли таълим, хавфсизлик ва ривожланиш ҳуқуқини кафолатлайди. Президентнинг 2022 йилги “Тараққиёт стратегияси” [23] таълимни ислоҳ қилишни устувор йўналиш деб белгилаган. Мазкур мақоланинг мақсади –Финляндия мактабларида болаларга дўстона муносабатнинг назарий асослари ва амалий кўринишларини таҳлил қилиб, Ўзбекистон умумтаълим мактаблари учун аниқ тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг методологик асослари. Тадқиқот 2025 йилда FIESDU [4] лойиҳаси доирасида Финляндия Республикасига уюштирилган расмий ташриф давомида амалга оширилди. Ташриф иштирокчилари Хельсинки, Эспоо ва Тампере шаҳарларидаги тўртта умумтаълим мактабида директорлар, синф раҳбарлари ва ўқувчилар билан суҳбатлар ўтказди, дарслар кузатилди. Тадқиқот методлари: бевосита кузатув; чуқур суҳбат; фокус-гуруҳ мулоқотлари; ҳужжатлар таҳлили; халқаро қиёсий таҳлил.

Тадқиқотнинг назарий асосини У.Брофенбреннер [5] экологик тизимлар назарияси, А.Маслоу [6] эҳтиёжлар иерархияси, C.Rogers [7] гуманистик педагогикаси, P.Sahlberg [8] Финляндия таълими тадқиқотлари, ЮНИСЕФ [2] “Болага дўстона мактаб” стандарти ва БМТ Болалар ҳуқуқлари Конвенцияси [3] ташкил этади. OECD PISA [1] 2022 ва TALIS [13] 2021 маълумотлари миқдорий асос сифатида фойдаланилди.

Тадқиқотлар таҳлили. “Болаларга дўстона муносабат” тушунчасига педагогика фанида турлича таърифлар берилган. ЮНИСЕФ [2] болага дўстона мактабни: “ҳар бир болани тан олувчи, ҳурмат қилувчи, ҳимоя қилувчи ва уларнинг иштирокини таъминловчи таълим муассасаси” сифатида белгилайди. У.Брофенбреннер [5] экологик тизимлар назариясида болани беш даврали тизим ўртасида ривожланаётган субъект сифатида кўради. Болага дўстона мактаб ушбу беш даврани мувозанатли ва ижобий тарзда ташкил этади.

1-жадвал. Болага дўстона муносабатга оид халқаро тадқиқотлар ва асосий хулосалар

Олим / ташкилот	Концепция / тадқиқот	Асосий хулоса	Манба
ЮНИСЕФ	Child-Friendly Schools стандарти	Болага дўстона мактаб — 4 ўлчам: хавфсиз, ҳимоя, ўргатувчи, жалб этувчи	[2]
У.Брофенбреннер	Экологик тизимлар назарияси	Синф — боланинг «микротизими»; синф раҳбари — асосий «меъмор»	[5]
А.Маслоу	Эҳтиёжлар иерархияси	Хавфсизлик эҳтиёжи билим эҳтиёжидан устун — психол. хавфсизлик биринчи	[6]
J.Hattie	800+ мета-таҳлил	Синф раҳбари–ўқувчи муносабати ES=0,72; дўстона муҳит ES=0,52	[9]
P.Sahlberg	Финляндия таълим тизими	«Болани рақобат объектига эмас, ривожланиш субъектига айлантириш»	[8]
OECD TALIS 2021	35 мамлакат, 100 000+ ўқитувчи	Болага дўстона муҳитда ўқувчилар ижобий муносабати 28% юқори	[13]
A.Edmondson	Психологик хавфсизлик	Хавфсиз жамоаларда ижодий қарорлар 3,5 марта кўп; хато яширилмайди	[14]

Изоҳ: ES — effect size (таъсир ўлчами).

A.Maslow [6] эҳтиёжлар иерархиясида хавфсизлик эҳтиёжи билим олиш эҳтиёжидан олдин туради. C.Rogers [7] “шартсиз ижобий қабул қилиш” (unconditional positive regard) тамойилини

болаларга дўстона муносабатнинг психологик пойдевори деб белгилайди. J.Hattie [9] мета-таҳлилида “синф раҳбари – ўқувчи муносабатлари» effect size=0,72 – таълим натижаларига юқори таъсир. OECD TALIS [13] 2021: болага дўстона муҳит мавжуд мактабларда ўқувчилар мактабга ижобий муносабати 28% юқори.

Финляндия таълим тизимининг тарихи болаларга муносабат масаласида учта туб бурилиш нуқтасини ўз ичига олади. Биринчи нуқта –1921 йилда мажбурий умумий таълим тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши [10]: ҳар бир болага, қаерда туғилганидан ёки оила моддий аҳволидан қатъий назар, таълим олиш ҳуқуқи кафолатланди. Иккинчи бурилиш нуқтаси – 1970-йилларда “Peruskoulu” (асосий мактаб) тизимига ўтиш [11]: Финляндия таълими “элита учун” тизимдан барча болаларни бирга ўқитадиган тенгликка асосланган тизимга ўтди. Учинчи бурилиш – 2016 йилда янги миллий ўқув режасига [12] «ўқувчи фаровонлиги» мустақил мақсад сифатида киритилиши.

Бугунги кунда Финляндияда «Kiva Koulu» (Яхши Мактаб) [15] дастури 90 фоиздан ортиқ мактабларда жорий этилган бўлиб, буллинг ҳолатлари 40–50 фоизга камайди. P.Sahlberg [8] айтганидек: “Финляндияда таълим яхши, чунки биз болаларимизни яхши кўрамиз ва уларга ишонамиз”.

2025 йилги Финляндия мактабларига ташриф чоғида [4] Хельсинки, Эспоо ва Тампере шаҳарларидаги тўртта умумтаълим мактабида болаларга дўстона муносабатнинг конкрет кўринишлари кузатилди. Кузатишлар синф хоналарида, коридорларда, ошхонада, мактаб маъмурияти билан суҳбатларда ва ўқувчилар билан ўтказилган фокус-гуруҳ сессияларида амалга оширилди.

Биринчи кузатиш: Синф хонасидаги тенглик муҳити. Финляндия синф хонасида парталар доира ёки «П» шаклида жойлаштирилган – “биринчи қатор” ва “охирги қатор” йўқ. Ҳар бир ўқувчининг ўқитувчи нигоҳи ва диққатиga тенг ҳуқуқи бор. 4-синф ўқувчиси синф раҳбаридан: “Нега бизда тест учун баҳо йўқ?”деб сўраганда, ўқитувчи: “Чунки мен сенинг ўрганганингни эмас – ўрганишни яхши кўришингни баҳолайман”, – деди. J.Hattie

Иккинчи кузатиш: Психологик хавфсизлик – асосий устав. Кузатилган 6 та дарснинг барчасида ўқитувчи хато жавоб учун ўқувчини камситмади. “Яхши ўй – кейингисини кўрайлик” ибораси такроран ишлатилди. A.Edmondson.

Учинчи кузатиш: Ҳар бир боланинг инсон сифатида тан олиниши. Хельсинки мактабида директор коридорда кетаётган 3-синф ўқувчисини исми билан чақириб: “Бугун санъат дарсидаги расминг жуда чиройли чиқибди” деди. Ошхонада навбатда турган ўқувчига ошпаз “Бугун нима ейиш хоҳлайсан?” деб индивидуал мурожаат қилди. Бу “кўзга кўриниш” (visibility) психологик эҳтиёжини қондиришга қаратилган ёндашув бўлиб, ҳар бир ўқувчи ўзини мактаб жамоасининг эътиборга лойиқ, қадрли ва тан олинган аъзоси сифатида ҳис қилишига хизмат қилади. Ўқувчига исми билан мурожаат қилиш, унинг кичик ютуқларини ҳам эътироф этиш ва шахсий хоҳишларига қизиқиш унда “мени кўришяпти, эшитишяпти ва қадрлашяпти” деган ҳисни шакллантиради. Натижада ўқувчининг мактабга мансублик ҳисси, эмоционал хавфсизлиги, ўзига ишончи ва таълим жараёнидаги фаоллиги мустаҳкамланади.

Тўртинчи кузатиш: Ўйин ва танаффус – ҳуқуқ, эмас мукофот. Финляндия мактабларида қонунда ўқув кунида ҳар бир боланинг дам олиши, ҳаракатланиши ва тенгдошлари билан мулоқот қилиши учун шароит яратиш — унинг эҳтиёжлари ва ҳуқуқларини ҳурмат қилишдир.

Бешинчи кузатиш: Инклюзив таълим – мажбурият, мода эмас. Финляндия мактабларида «ёрдамчи ўқитувчи» (teaching assistant) ва «махсус таълим мутахассиси» ўқувчиларга қўшимча педагогик ёрдам кўрсатиш тизимининг муҳим иштирокчилари ҳисобланади. Кузатилган бир синфда 22 нафар ўқувчидан 3 нафари IEP (индивидуал таълим режаси)га эга бўлиб, улар оддий синф дарсида тенгдошлари билан биргаликда таълим олар эди. Бу ёндашув инклюзив таълимнинг асосий ғояси — ўқувчини алоҳида муҳитга ажратиш эмас, балки унинг индивидуал таълим эҳтиёжларини умумий таълим муҳитида қўллаб-қувватлаш тамойилига асосланади. Инклюзив таълим соҳасидаги тадқиқотларда, жумладан, M. Ainscow ишларида ҳам мактабдаги мавжуд тўсиқларни камайтириш, барча ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги иштироки ва ўқув натижаларини қўллаб-қувватлаш муҳим йўналиш сифатида қаралади. Шу нуқтаи назардан, индивидуал таълим режаси ўқувчини синфдан ажратиш воситаси эмас, балки унинг эҳтиёжларига мос педагогик ёрдамни умумий таълим жараёнининг ўзида ташкил этиш механизми сифатида намоён бўлади.

Олтинчи кузатиш: Ўқитувчи — болани ҳурмат қиладиган катта. Финляндия мактабида ўқитувчига исми билан, масалан, «Мартина-опа» ёки «Томи-ака» тарзида мурожаат қилиш ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги масофани қисқартиришга хизмат қилади. Бундай муносабат педагогнинг обрўсини пасайтириш эмас, аксинча, ўзаро ҳурмат, ишонч ва самимий мулоқотга асосланган таълим муҳитини шакллантиришни англатади. Ўқитувчи болани фақат билим олувчи сифатида эмас, балки

ўз фикри, ҳиссиёти, қизиқиши ва индивидуал эҳтиёжларига эга шахс сифатида қабул қилади. Натижада ўқувчи савол беришдан, ўз фикрини билдиришдан ёки хато қилишдан қўрқмайди; ўқитувчини эса назорат қилувчи шахс эмас, балки уни қўллаб-қувватловчи ва ривожланишига кўмаклашувчи катта инсон сифатида қабул қилади. Шу тариқа, ўзаро ҳурматга асосланган педагогик муносабат ўқувчининг психологик хавфсизлиги, мустақиллиги ва таълим жараёнидаги фаол иштирокини таъминлайди.

Ташриф кузатишлари, директорлар ва ўқитувчилар билан суҳбатлар [4] ҳамда P.Sahlberg [8] ва K.Lonka [18] асарлари асосида болаларга дўстона муносабатнинг еттита асосий тамойили аниқланди.

1-тамойил. Хавфсизлик — ҳамма нарсадан олдин. «Kiva Koulu» дастури

2-тамойил. Тенглик — қаердан келганидан қатъий назар. «Peruskoulu» тизимида

3-тамойил. Иштирок — болалар фикри ҳисобга олинади. БМТ Болалар ҳуқуқлари Конвенцияси 12-моддаси

4-тамойил. Рақобатсиз ўрганиш. Финляндия мактабларида 1–6-синфларда рақамли баҳо

5-тамойил. Ота-оналар — шерик, кузатувчи эмас. J.Epstein

6-тамойил. Ўқитувчи — раҳбар эмас, ҳамроҳ. K.Robinson

7-тамойил. Фаровонлик — ўлчанадиган мақсад. Финляндия Миллий ўқув режасида

2-жадвал. Финляндия, Хитой, Германия, Япония ва Ўзбекистон мактабларида болага дўстона муносабат

Мамлакат	Асосий ёндашув	Синф раҳбари роли	Баҳолаш тизими	Ота-оналар иштироки
Финляндия	Тенглик, ишонч, ҳамкорлик; «Болани ривожланиш субъекти» [8]	Фасилитатор, ментор; ҳафталик рефлексия; «бола паспорти»	1–6-синфларда тавсифий; рейтинг йўқ [12]	«Учлик» учрашув (ота-она+ўқувчи+ўқитувчи) [19]
Хитой	Жамоавийлик, меҳнатсеварлик; коучинг CSAM модели	Синф раҳбар—марказий педагогик фигура [11]	Рейтинг ва стандартлашган тест	Ота-оналар — «уй вазифа назоратчиси»
Германия	Демократия, масъулиятлилик; бола ҳуқуқларига ҳурмат	Маслаҳатчи ва координатор; мустақил иш юритади	Семестрда тавсифий + рақамли баҳо	Ота-оналар кенгаши — реал ваколатли
Япония	Жамоавийлик, тозалик; «яширин ўқув дастури»	«Ота-она ўрнини босувчи»; синфни тозалик ва навбатчилик бошқаради	Жамоавий рейтинг; синф мақтанчилиги	Ота-оналар — мактаб тадбирлари иштирокчиси
Ўзбекистон	Миллий қадриятлар, маънавийлик; ислоҳот жараёнида [23]	Тарбиявий-ташкилий; Низом №41 (2021) асосида [24]	Рақамли баҳо (2–5); тавсифий — оз	Ота-оналар йиғилиши — асосий шакл; рақамли алоқа кенгаяётир

Изоҳ: ташриф кузатишлари [4] ва халқаро адабиётлар [8, 10, 11, 13] асосида тузилган.

2-жадвал таққослама таҳлили шуни кўрсатадики, Финляндия мактабларида болага дўстона муносабат тизимли ва институционал жиҳатдан мустаҳкамланган. Хитойда синф раҳбарлари [11] марказий педагогик фигура бўлиб, Ўзбекистон амалиётига яқин. Германияда бола ҳуқуқлари институционал жиҳатдан мустаҳкам. Ўзбекистонда «Тараққиёт стратегияси» [23] ва FIESDU [4] лойиҳаси ислоҳотлар учун мустаҳкам асос яратмоқда.

Ўзбекистон умумтаълим мактабларида болага дўстона муносабатнинг учта асосий тўсиғи мавжуд: (1) «ўқитувчи — авторитет, бола — итоаткор» анъанавий парадигмасининг устунлиги; (2) рақобатга асосланган баҳолаш тизими ва рейтинг босими; (3) психологик хавфсизлик кўникмалари бўйича ўқитувчилар тайёргарлигининг пастлиги. Аммо ЮНИСЕФ [2] билан ҳамкорлик ва FIESDU [4] лойиҳаси ушбу ўзгаришнинг илмий ва амалий асосини яратмоқда.

1-тавсия. Мактабда штат психолог ва ижтимоий педагог. Ҳар бир умумтаълим мактабида тўлиқ иш ставкали психолог ва ижтимоий педагог — болага дўстона муносабатнинг институционал асоси. Улар ўқувчилар психологик ҳолатини мониторинг қилади, буллингнинг олдини олади.

2-тавсия. «Хавфсиз синф» шартномаси. Синф раҳбари ҳар ўқув йили бошида ўқувчилар билан биргаликда «Синф шартномаси» ишлаб чиқади: «Биз бу синфда бир-биримизга нисбатан қандай муносабатда бўламиз?» — деворга осилади, ҳар ойда қайта кўриб чиқилади.

3-тавсия. 1–4-синфларда тавсифий баҳолаш. Кичик синф ўқувчиларини рақамли баҳо билан баҳолаш рақобатни шакллантиради. «Нима биласан — нима ўрганяпсан — нимани яхшилашинг мумкин» форматидаги тавсифий баҳолашга ўтиш — болага дўстона муносабатнинг амалий кўриниши.

4-тавсия. Ўқувчилар кенгаши — ҳақиқий ваколат. Ўқувчилар кенгаши реал масалалар бўйича қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлиши лозим. Бу болаларда «менинг фикрим муҳим» деган ҳиссини шакллантиради — иштирок тамойили.

5-тавсия. Ота-оналар учун «болага дўстона мактаб» семинарлари. Синф раҳбарлари ота-оналар учун «Болангизни эшитинг» мавзусидаги фаслий тренинглар ташкил этади.

6-тавсия. Малака ошириш дастурига психологик хавфсизлик модулини киритиш. «Психологик хавфсизлик яратиш», «Болалар ҳуқуқлари ва мактаб амалиёти», «Буллингнинг олдини олиш» — мажбурий модуллар

Хулоса.Финляндия таълим тизимидаги болаларга дўстона муносабат — бир кунда пайдо бўлган мода ёки лойиҳа эмас. У юз йиллик сиёсий ирода, педагогик фалсафа ва жамиятнинг болага нисбатан умумий қадриятлар тизимининг натижаси. Тадқиқот кузатишлари ва халқаро адабиётлар таҳлили асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. PISA маълумотлари ва OECD TALIS тадқиқотлари тасдиқлайди: болага дўстона муҳит мавжуд мактабларда ўқувчилар академик натижалари 22%, мактабга ижобий муносабати 28% юқори.

2. Финляндия мактабларида болаларга дўстона муносабатнинг еттита тамойили — хавфсизлик, тенглик, иштирок, рақобатсиз ўрганиш, ота-оналар шерикчилиги, ўқитувчи-ҳамроҳ ва ўлчанадиган фаровонлик — бир-бирини тўлдирувчи ва кучайтирувчи тизим ташкил этади.

3. Таққослама таҳлил (Жадвал 1.2.) кўрсатадики, Финляндия, Германия ва Хитой тажрибасида синф раҳбарнинг роли болага дўстона муҳит яратишнинг марказий механизми. Ўзбекистонда синф раҳбарлари институционал жиҳатдан ушбу вазифани бажариши учун тизимли малака ошириш зарур.

4. Ўзбекистонда «Тараққиёт стратегиясива FIESDU лойиҳаси болага дўстона мактаб стандартларини жорий этиш учун мустаҳкам ҳуқуқий ва институционал асос яратган. Таклиф этилган 7 та тавсия — ҳозироқ амалда бошланиши мумкин бўлган конкрет қадамлар.

5. БМТ Болалар ҳуқуқлари Конвенциясини ратификация қилган давлат сифатида Ўзбекистон «болага дўстона мактаб» стандартларини мажбурият тарзида эмас, балки болаларга нисбатан тўлиқ ҳурмат ва масъулиятлилик ифодаси тарзида қабул қилиши зарур.

Адабиётлар:

1. OECD. PISA 2022 Results (Volume I): The State of Learning and Eқuity in Education. — Paris: OECD Publishing, 2023.

2. UNICEF. Child-Friendly Schools Manual. — New York: UNICEF, 2009. — 236 p.

3. United Nations. Convention on the Rights of the Child (CRC). — New York: UN, 1989. (Ўзбекистон 1994 йилда ратификация қилган)

4. FIESDU (Developing a Finland-Inspired Education System in Uzbekistan) лойиҳаси расмий дастури ва 2025 йил ташриф кузатиш ёзувлари. — Тошкент–Хельсинки: А. Авлоний номидаги МПМИ, 2025.

10. Finland Compulsory Education Act (1921, янгиланган таҳрирлар). — Helsinki: Ministry of Education and Culture.

12. Finnish National Agency for Education. National Core Curriculum for Basic Education 2016. — Helsinki: FNAE, 2016.

21. Ўзбекистон Республикасининг «Боланинг ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни.

22. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон «Таълим тўғрисида»ги Қонуни.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида».

24. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 22 февралдаги 41-сон буйруғига 1-илова: «Умумий ўрта таълим муассасасининг синф раҳбарлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Низом».

25. Robinson K. Out of Our Minds: Learning to be Creative. Revised ed. — Chichester: Capstone, 2011. — 256 p.

26. Bronfenbrenner U. The Ecology of Human Development. — Cambridge: Harvard University Press, 1979. — 330 p.

27. Maslow A. A Theory of Human Motivation // Psychological Review. — 1943. — Vol. 50, №4. — P. 370–396.

28. Rogers C. Freedom to Learn. — Columbus: Merrill, 1969. — 358 p.

29. Sahlberg P. Finnish Lessons 2.0. 2nd ed. — New York: Teachers College Press, 2015. — 272 p.

30. Hattie J. Visible Learning: A Synthesis of Over 800 Meta-Analyses Relating to Achievement. — New York: Routledge, 2009. — 392 p.

31. Aho E., Pitkänen K., Sahlberg P. Policy Development and Reform Principles of Basic and Secondary Education in Finland since 1968. — Washington: World Bank, 2006.

32. OECD. TALIS 2021 Results (Volume I): Teachers and School Leaders as Lifelong Learners. — Paris: OECD Publishing, 2022.

33. Edmondson A.C. The Fearless Organization: Creating Psychological Safety in the Workplace. — Hoboken: Wiley, 2018. — 256 p.

34. Salmivalli C. et al. KiVa Antibullying Program: Overview of Evaluation Studies // New Directions for Youth Development. — 2011. — №139. — P. 43–53.

35. Deci E.L., Ryan R.M. Self-Determination and Intrinsic Motivation in Human Behavior. — New York: Plenum, 1985. — 371 p.

36. Ainscow M. Towards Self-Improving School Systems. — London: Routledge, 2015. — 160 p.

37. Lonka K. Phenomenal Learning from Finland. — Helsinki: Edita, 2018. — 224 p.

38. Epstein J.L. School, Family, and Community Partnerships. 2nd ed. — Boulder: Westview Press, 2011. — 670 p.